

*Tibbiyotning oliy maqsadi — inson salomatligiga erishishdir*  
*Высшее благо медицины — здоровье*



# ЎЗБЕКИСТОНДА СОГ`ЛИQНИ SAQLASH

## ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА

Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган

E-mail: uzss@inbox.ru

2006 йил 27 июнь — 3 июль № 26 (490)

Сешанба кунлари чиқади

**Фақат ўз касбига садоқатли, доимо эл-юрт манфаати, ўзгалар дарди билан ёниб яшайдиган журналистгина халқ орасида чинакам обрў-эътибор қозона олади.**

Ислом КАРИМОВ.

## ЖАМИЯТ КЎЗГУСИ

Мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар жараёнини кенг халқ оммаси эътиборига етказишда бевосита оммавий ахборот воситаларининг хизмати беқийс эканлигини айтиш мумкин. Айниқса, улар орасида матбуотнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти тўғрисида ҳар қанча тўққинлиниб гапирса арзийди. Сир эмас, бугун республикаимизда мингдан зиёд оммавий матбуот нашрлари фаолият кўрсатмоқда. Бу кўрсаткич, албатта яхши. Чунки, давлатимиз тараққиётининг бугунги истиқболларини ёритишда ҳар битта матбуот нашрининг ҳам ўзига яраша муносиб ҳиссаси борлигини учратиш қийин эмас. Яна шуниси муҳимки, биз бозор иқтисодиғига ўтиш даврида яшаймиз. Демак, бу жараёнда ҳар бир фуқаро қандай вазият бўлишидан қатъи назар эркин ахборот олиш ва таҳлил қилиш ҳуқуқига эга. Бу борада матбуотнинг турли соҳалар бўйлаб ихтисослашуви аҳолининг жамият ҳаётига бўлган қизиқишини тобора орттирмоқда.

Келинг, тиббиётимизнинг бугунги ривожини, истиқболи ва эртаси йўлида залворли меҳнат қилаётган, нашримиз «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана» газетаси фаолиятига эътибор қаратайлик. Газетанинг асосий мақсади тиббиёт янгилликларини ўз вақтида омма эътиборига етказиш, ислохот жараёнларини батафсил ёритиш, тиббиёт ходимлари учун керакли илмий-оммабоп материалларни чоп этиш, шунингдек, минбар сифатида соҳа вакилларини тиббиёт тараққиёти замирида тарбиялашдан иборатдир.

Газета ўтган давр мобайнида тиббиётнинг амалга оширилган ислохотлари билан илгари одимлаб, мутахассисларни долзарб мавзулар доирасида бирлаштиришда фаолият кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, нашр ўзининг оммабоплиги-ю, кенг қамровли аудиторияси билан кўпгина муштарийларига эга. Айниқса, оддий халқнинг эҳтиёж ва талабларига жавоб берадиган даражадаги имкониятларнинг мавжудлиги, обуна сонининг янада ошаётганлигини кўрсатади. Демакки, газетанинг кенг жамоатчилик орасида қўлма-қўл бўлишида албатта, журналистларнинг ўрни бениҳоят каттадир. Чунки, ҳар бир нашр сонини тайёрлаб, уни давр кўзгусига айлантириш бу биз билан сиз ўйлаганчалик осон иш эмас.

Албатта, газета қайси йўналишда бўлмасин, у ўзининг маълум даражадаги мавқеи ва муштарийларига эга бўлмоғи, газета ўта тезкорлиги ва оммабоплиги билан халқ эътиборидан четда қолмаслиги, ундаги журналистлар меҳнати салмоғининг муҳимлиги нашрнинг оби-ҳаёт эканлигини таъминламоғи зарур, ниҳоят ҳар бир нашр хоҳлаймизми, йўқми ҳар бир инсон учун ягона минбар ва жамият кўзгуси сифатида ардоғланмоғи муҳим деб биламан.

Ўйлайманки, бу хулосалар аксарият журналистларнинг фаолиятига бориб тақалади. Мазкур нашрнинг ҳам тараққий этиб, шаклланишида заҳматқаш, фидойи журналистларимизнинг тинимсиз меҳнатлари ётади. Фахрланиш керакки, газета 10 йиллик фаолиятида кўпгина ижобий ишларга эшик очди, рақобатдош нашрлар орасида ўзининг мавқеи ва обрўини ушлаб келди ва келмоқда.

Шу ўринда газета материалларини бир зумда тайёрлаб, ўша заҳотиёқ уни муштарийлар қўлига етказишда шижоат кўрсатаётган республикаимиздаги барча оммавий ахборот воситалари ходимларига ижодий баркамоллик, енгилмас шижоат, куч-ғайрат ва қаламлари ҳар қачонгидан кўра ўткир бўлишини астойдил тилаб қоламан.

**Нодир ШАРАПОВ,**

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг уринбосари, «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана» газетаси бош муҳаррири.**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

### БАҲС-МУНОЗАРА АТРОФИДА



А. Бобомуродова «Сиёсий партия газеталарида Ҳомийлар ва шифокорлар йили мавзуси қандай ёритилаётганлиги» хусусида тўхталиб, чоп этилган мақолаларда саховатпеша Ҳомийлар Ҳиммати тўғрисидаги ҳамда тиббиёт ходимлари меҳнатига берилган эътирофли фикрларга ўз муносабатини билдириб ўтди.

Тадбир давомида «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана» газетаси ижроси муҳаррири И. Соатова «Соғлиқни сақлаш тизимидаги долзарб масалалар ва дастур ижроси-

**2006 йилнинг 23 июнь кун** **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан «Ҳомийлар ва шифокорлар йили мавзусининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши»га бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Мазкур тадбир Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилди. Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва девони ходимлари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мутасадди раҳбарлари, бир қатор идоралар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Давра суҳбатини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Хуршид Дўстмуҳаммад кириш сўзи билан очиб, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастуридаги бандларнинг ярим йил мобайнида амалда қандай бажарилганлиги ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган фаолиятларнинг оммавий ахборот воситаларида мазкур мавзу қан-



дай ёритилаётганлиги ҳамда кенг оммага қай тарзда етказилаётганлиги хусусидаги масалаларга тўхталиб ўтди. Бундан ташқари, журналистларнинг фаолияти тўғрисида гапирар экан, бу борадаги айрим камчиликлар тўғрисида ҳам ўз танқидий фикрларини билдирди. Шундан сўнг, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг вакили ҳамда Халқаро ишлар ва парламента-ро алоқлар қўмитаси аъзоси сўзга чиқиб, ўз фаолиятларида амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар хусусида атрофлича сўз юритди. Сўнгра, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутаты, Ахборот ва коммуникация технологиялари қўмитаси аъзоси

ни ёритишда журналистларнинг ўрни» мавзусида маъруза қилиб, оммавий ахборот воситаларида тиббиёт тизимидаги долзарб масалалар ва дастур ижросида кейинги пайтларда ўта сусткашликка йўл қўйилаётганлигини алоҳида таъкидлади.

Йигилиш якунида иштирокчилар музокара-рога чиқиб, мавзу доирасидаги мулоҳаза ва муносабатларини билдиришди. Шунингдек, келгусидаги давра суҳбатларини жонли тарзда ҳамда баҳс-мунозарали кайфиятда ўтказиш мақсадида мувофиқ бўлиши тақлифини киритди.

**Намоз ТОЛИПОВ.**

Анора БОБОМУРОВА:

Дилдан суҳбат

# ЖУРНАЛИСТНИНГ ҚАЛАМИ ЎТКИР БЎЛСИН

**Журналистнинг кучи нимада? Унинг бйрон тили ёки чаққонлигидами? Ёнки, масъулиятли касбга эга бўлганлигидами?**

— **Журналистнинг кучи — унинг ҳаққоний сўзи ва ўткир қаламида, — дея жавоб беради, бугунги суҳбатдошимиз Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты, Ахборот технологиялари ва коммуникация кўмитаси аъзоси, педагогика фанлари номзоди Анара Бобомурова.**

— **Бугунги кун журналистлар фаолиятини қандай баҳолайсиз?**

— Бугунги жамият ҳаётига ахборот технологияларининг кириб келиши мамлакат тараққиёти билан бир қаторда барча соҳалар фаолиятида ҳам катта ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Табиийки, бу борада оммавий ахборот воситаларининг тугган ўрни ва фаолияти ўта муҳим ҳисобланади. Чунки, бевосита тўртинчи ҳокимият сифатида эътироф этилаётган оммавий ахборот воситалари бугунга келиб, жамият ҳаёти, юрт истиқболи, инсонлар муносабати, қонун ва қарорлар ижросини таъминлашдаги асосий куч ва мезонлар ўртасида турувчи кўприқдир. Бундай дейишимизга етарли асос бор, албатта. Қайси соҳа ривожини олманг, унинг замирида журналистлар меҳнати борлигини кўрамай. Хоҳланг у иқтисод, хоҳлангки тиббиёт йўналиши бўлсин, бу журналист учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Шуниси муҳимки, ўз касбини севган журналист борки, у соҳа танламайди, қаламини турли жабҳаларда синаб кўради, изланади, ўрни келганда адашади, лекин олдига қўйган мақсадидан ҳеч қачон чекинмайди. Бу журналист салоҳиятининг қай даражада эканлигини далолатдир. Хабарингиз бор, Президентимизнинг «Олий журналистика курсларини очиб тўғрисида»ги Қарори қабул қилинган, ихтисослаштирилган журналистларни тайёрлашга

алоҳида эътибор қаратилди. Демак, фахрланиб айтиш керак, журналистика жамият ҳаёти бўйлаб янада кенг қанот ёймоқда.

Бугунги журналист мамлакат ҳаётини ҳамда барча воқеликни аниқ ва равшан ҳолда, яъни реал тарзда ёритиб бериши лозим. Шунингдек, ҳар бир журналист сўз эркинлиги ва фаолиятига оид барча қонун-қоидаларга риоя қилган ҳолда атрофга теранроқ ва эътиборлироқ, қузатувчи назарида фикр-мулоҳаза ҳамда қарашларга бой шахс сифатида фаолият юритмоғи муҳим, деб биламан.

— **«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастури ижроси оммавий ахборот воситалари орқали қандай ёритилмоқда?**

— Ҳомийлар ва шифокорлар йилининг жорий этилиши ва дастур ижросини мамлакат ҳаётида меъёрий даражада ёритишда бевосита журналистларнинг ўрни бор. Чунки, бундай дейишимизга асосий сабаб — журналист қайси соҳада ишлаганини, албатта у олдига турган касбий масъулиятни қалбдан ҳис этиши керак. Фахрланарайдиган томони бугун ўзбек журналистикаси турли жабҳаларда ўзига хос тарзда ривожланиб бормоқда. Айниқса, даврий матбуот, телевидение, радио ва бошқа тармоқ фаолиятини оладиган бўлсақ, у ерда асосан журналистлар ёки шу соҳага яқин касб эгалари ишлаётганлигининг гувоҳи бўлаемиз. Ҳўш, доимий аънаъга айланган ҳар йилимизни муайян ном билан аталиши амалиётда бугун қандай натижаларини берди. Бу ислохотларни

жамият ҳаётида акс эттиришда кимлар кўпроқ масъулиятни ҳис этадилар, деган савол туғилади. Назаримда, кенг қатламли омма эътиборига юқоридаги тушунчалар ва фаолиятларни тез ва ўз вақтида етказишда оммавий ахборот воситаларининг меҳнати муҳим ҳисобланади. Мана шу жараёнларни бугунги амалиётда қўллашда ва белгиланган режа асосидаги дастурларни меъёрий равишда таъминлашда журналистлар қанчалик шижоат кўрсатмоқдалар?

Дарҳақиқат, кундалик газета-журналлар ҳамда телевидение ва радиоларнинг айна пайтдаги фа-

тўқинларида берилаётган эшиттиришларда бевосита тиббиёт тизимидаги долзарб мавзуларнинг кўтарилиши, шунингдек, мутахассисларни муҳлислар билан тўғридан-тўғри мулоқотда бўлишларининг ўзи ҳам радиожурналистларнинг эътиборидан четда қолаётгани йўқ. Шунингдек, вақт-матбуотларда ҳам ҳомийлар ҳиммати ва шифокорларнинг машаққатли меҳнатлари тўғрисидаги эътирофли материаллар чоп этиб борилди. Мана иккинчи ярим йиллик ҳам бошланай деб қолди. Уйлайманки, оммавий ахборот воситаси ходимлари дастур бандлари асосида қўллаб

лар, изланишлар, халқаро ҳамкорликлар, фаолиятлар, ислохот жараёнлари ва дастур ижросини таъминлашни ёритишдаги асосий оммавий нашрлардан бири, деб биламан. Шу йилги газеталар тахламиани кўздан кечирар эканман, саҳифалардаги долзарб мавзу, яъни оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, кадрлар масаласи, бирламчи бўғинни шакллантириш, қон ва донорлик муаммолари, соғлом турмуш тарзи ҳамда қўшма касалликлар тўғрисидаги мақолаларни ўқиб, булар айнан биргина мутахассислар учун эмас, балки кенг халқ оммаси учун ниҳоятда керакли газета эканлигига амин бўлдим.

— **Мана бугун оммавий ахборот воситалари ходимларининг касб байрами кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан уларга тилакларингиз.**

— Бошқа соҳалар каби журналистика соҳасида ҳам ўзига яраша қийинчиликлар борлигининг гувоҳи бўлиб турибман. Улар ўзларининг бор ақл-заковатлари, туғма истеъдодлари билан инсон қалбини забт эта оладилар. Бу албатта, осон эмас. Чунки, журналистнинг масъулияти шу қадар кучга эгаки, у жамият тараққиёти учун муносиб ҳиссасини кўша оладиган касб эгаси бўлиши керак. Шундай экан, ижод аҳлининг қалами янада ўткир, айтганда сўзи ҳаққоний, адолат мезонларига хизмат қиладиган соҳа вакили бўлиши муҳим деб ўйлайман ва уларнинг касб байрамлари билан қутлаб, ижодларига улкан зафарлар тилайман.

Суҳбатдош:  
Ибодат СОАТОВА.



олиятлари билан қизиқиб, улар меҳнатини доимо кўздан кечириб, танишиб бораман. Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилиниши билан дастур асосида жуда кўп оммавий нашр ва теле-радиоларда чиқишлар, кўрсатувлар ва ҳаттоки махсус саҳифалар ташкил қилинди. Таъкидлаш жоизки, телевидениенинг «Ахборот», «Давр», «Пойтахт» сингари тахлилий дастурлари тиббиёт тизимидаги янгиликларни батафсил ёритиб келмоқда. Ундан ташқари, Спорт телерадиоканали негизидagi «Машъал» радиоканали ҳамда «Ўзбекистон» радио

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана» газетаси тўғрисида фикрларингиз?

— Ҳар бир йилни ўзига хос ном билан аталиши соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилган фаолиятларга чамбарчас боғлиқлигини кўраемиз. Ушбу газета нашр қилинаётганидан бери муштарий сифатида ўқиб келаман. Газета ўзининг йўналишига эга бўлиб, республика тиббиёт тизимида рўй бераётган янгилик-

## Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида

**Жорий йилнинг 23 июнь кунини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мажлислар залида кенгайтирилган хайъат йиғилиши бўлиб ўтди.**

Кенгайтирилган хайъат йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари Р. Қосимов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат

рия-эпидемиология хизмати, молиялаштириш борасидаги фаолиятларда бир мунча хатоликлар мавжуд эканлигини афсус билан тилга олди ва амалга оширилиши лозим бўлган ишлар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг хайъат йиғилиши кун тартибиде республикада педиатрия хизмати-нинг ҳолати ва уни яхшилаш чора-тадбирлари, хайрига ва мурувват ёрдами йўналиши бўйича келаётган доридармонлар ва тиббий буюмларни қабул қилиш, даволаш-профилактика муассасаларига тақсимлаш ва мақсадли ишлатилиши назорат қилиш, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги автотранспорт воситаларидан тўғри фойдаланиш ва ёқилги таъминотининг аҳоли ҳамда автоҳўжаликларнинг фаолиятини яхшилаш, йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш тадбирлари тўғрисида мутахассислар сўз юритиб, тизимдаги ижобий натижалар қаторида муаммо ва камчиликлар борлигини эътироз билан айтиб ўтди.

Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларининг мутасадди раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президент Девони ишчи гуруҳининг текширувларидан тўғри хулоса чиқарган ҳолда танқидий фикрлар ўринли эканлигини тилга олиб, бундай ҳолатлар юз беришига учун эътиборни белгиланган режа ва вазифаларга қаратиш муҳимлигини айтиб ўтди.

И. СОАТОВА.

## ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАР ЎРИНЛИ

маслаҳатчиси ўринбосари А. Ворисовлар иштирок этди.

Ушбу йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президент Девонининг ишчи гуруҳи Жиззах вилояти Фориш тумани ва Сирдарё вилояти Бобўғ тумани соғлиқни сақлаш муассасалари фаолияти ҳамда аҳолига кўрсатилаятган тиббий ёрдам ҳолатини ўрганиб чиққанлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентини Девонининг етакчи консультанти Ф. Илхомов маъруза қилди. Нотик юқорида номлари келтирилган вилоятларнинг туманларида қўлга киритган ютуқлари билан бир қаторда, йўл қўйилган камчиликлар ҳусусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Жумладан, бирламчи тиббий ёрдам, стационар тиббий ёрдам, санита-

## Эътироф

# ҚАДРДОНЛАРИМИЗ!

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана» газетасининг нашр этилаётганига ҳам ўн йилдан ошди. Мана шу йиллар давомида газета йилдан-йилга ўз ўқувчиларига эга бўлиб, муштарийлар сонини кўпайтириб бормоқда. Бунда энг аввало тахрират ходимлари газетани ўқимини қилиб чиқариш йўлида тинмай изланаётган, танланган мавзулар ҳар бир ўқувчининг эътиборини қозониш, уларнинг қувонч ташвишлари билан ҳамқадам бўлиши ўз олдига мақсад қилиб қўйган бўлса, иккинчидан газетани ўз йўли, ўз қиёфаси ва техник безакларига ҳам алоҳида эътибор қаратаётгани давр талабидир.

Газетани сифатли қилиб чиқариш биргина тахриратга боғлиқ иш эмас. Ўқувчи қўлига етиб борадиган газетада қанчадан-қанча одамларнинг кўз нури, машаққатли меҳнати мужассам бўлади. Биз тахриратий ходимлари бир нарсадан мамнунми-мик, мана ўн йилларки, газета «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик концернида босилиб келяпти. Деярли барча нашрлар ўз негизда газеталарни саҳифалашга киришиб кетган бўлсаларда, аммо бизнинг нашр мана шу катта даргоҳнинг эрка ўгли сифатида, газетани саҳифалашдан бошлаб, то уни босмага топширгунга қадар, маъзур наشريёт базасида фаолият кўрсатиб келмоқда. Бугун биз, тахриратнинг ички имкониятлари, техник қувватлари етишмай турган бир пайтда, бутун қийинчиликларни ўз зиммаларига олиб, нашримиз учун бағрикенглик қилиб ёққан жой ажратиб берган ва барча қулайликларни бекаму кўст таъминлаб келаётган — «Шарқ» НМАК бош директори Омонулло Юнусов тимсолидаги раҳбариятга, газетани сифатли чоп этишда бутун масъулиятни ўз зиммасига олиб, тушу кун тиним билмайди-диган фидойилар Ҳабибулло Турсунов, Қараман Маҳкамов, Назрулло Ҳамраев, Фирдаус Юнусова, Ҳолидадон Шамсиддинова, Жамолшаддин Абдураҳмонов, Бахтиёр Қўшоқов ва бошқа барча матбаачиларга ўзимизнинг самимий миннатдорчилигимизни билдираемиз. Бугун барча матбуот ходимлари ўзларининг касб байрамларини нишонлайдиган кунда, қаламқаш дўстларимиз, фахрий журналистларимиз ва барча заҳматқаш матбаачиларни 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини билан чин дилдан муборакбод этар эканмиз, ижодингиз баркамол, меҳнатингиз пурмаъно бўлсин! Омгани кўзлаб тебратаётган қаламингиз ўткир, газеталарни босаётган қўлларингиз толмасин, сиз таратаётган зиё нурлари мунаввар йўлларингизни чарогон қилиб турсин! Энг асосийси соғлиқ-саломатлик, бахт-омад, хотиржамлик сизни асло тарк этмасин, деб қоламиз.

Миржалол МИРАЛИЕВ.



Ўзбекистон  
Республикаси



Халқаро тараққиёт  
уюшмаси



Осиё тараққиёт  
банки



Озиқланишни Яхшилаш  
Глобал Альянси

## «Саломатлик – 2»

# «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» ва «Унни бойитиш миллий дастури» пойиҳалари

«Health – 2»

«Women and Child Health Development»  
and «National flour fortification programm» Projects

Проекты «Здоровье – 2»

«Укрепление здоровья женщины и детей»  
и «Национальная программа по фортификации муки»



Ҳомийликни биз инсон қалби ва юрагидаги энг эзгу туйғуларнинг амалий ифодаси деб биламиз. Яъни, ҳомий деганда, етим-есир, муҳтож кишиларга кўмак ва ёрдам беришга, одамларнинг дардига ҳамдард бўлишга, кадрдон қишлоғи ёки шаҳрини обод қилишга интиладиган, бир сўз билан айтганда савоб иш қилиб яшайдиган кишиларни ўзимизга тасаввур этамиз.

Ислом КАРИМОВ.

## ҲИММАТИ БАЛАНД ҲОМИЙЛАР



**Биз Бухоро вилояти, Когон туманидаги «Геофизика» қишлоқ врачлик пунктига кириб борганимизда бундай замонавий иншоотни ким бунёд этган экан, дея ўй-хаёлларга чўмдик. Хуллас, муассасани айланиб чиқиб, ижобий фикрларга эга бўлганимиздан сўнг, худудда истиқомат қилаётган 6000 дан зиёд аҳоли учун ўзининг ҳомийлик ҳимматини кўрсатган Бухоро Геофизика-экспедиция очик акциядорлик жамияти бошқарув раиси Қаҳрамон Мирзаев билан суҳбатлашиш истаги туғилди.**

Бир оз вақт ўтгач, Қаҳрамон Мирзаев муассасага етиб келди. Суҳбат чоғида ҳомий ўзининг камтарона фикрларида келажак авлод, халқ ва миллат саломатлиги учун савобат кўрсатганлигини тўлқинланиб гапирди.

— Бу йиллимизни Юртбошимиз томонидан Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб аталишида катта рамзий маъно бор. Президентимиз Конституциянинг 13 йиллигида ҳомийлар билан шифокорлар меҳнати ҳамоҳанглигини айтиб ўтган эди. Ушбу давват кўп ҳомийлар қатори мени ҳам савобатли ишлар қилишга ундаб келаверди. Ушбу худуд аҳолиси кўп сонли бўлишига қарамай 5-6 хонадан иборат кичкинагина ФАПга мурожаат қилишарди. Ниҳоят, жамоамиз билан келишган ҳолда қишлоқ врачлик пунктининг тахминий макетини туздик ҳамда лойиҳа ва дастурда кўрсатилганидек, асосий режаларга амал қилдик. Хуллас, худуд аҳолиси ҳамда тиббиёт ходимлари учун замон талабига жавоб берадиган 32 хонадан иборат 200 миллион сўмлик маблағ асосида муассасани қайта тиклашга эришдик. Кераклик барча шароитларни, яъни иссиқ ва совуқ сув таъминоти, телефон ва алоқа хизматла-

рини ташкиллаштириб бердик. Бу масканнинг яна бир узвий томонини режалаштириб, унинг ёнгинасида спорт мажмуасини қуришни бошлаб юбордик. Сабаби, спорт бу саломатлик гарови. Унда спортнинг барча турларидан аҳоли баҳраманд бўлиш имкониятига эга бўлади. Мустақиллигимизнинг 15 йиллигига ҳамма қурилишини тугатиб, аҳоли ва қишлоқ врачлик пунктида хизмат қилаётган тиббиёт ходимлари ихтиёрига топширмоқчимиз. Буларнинг барчаси дилимдаги эзгу ниятлар экан, қалбимдан ушбу фикрлар ўтди: «Ҳақиқатда ҳам ҳомий инсонларга ҳамдард бўлса, шифокор эса унинг дардига малҳам бўлгучи касб эгасидир».

Ҳа, камсуқум, камтар инсон Қаҳрамон ака аслида Бухоро вилоятининг Олот туманидаги Сайинқоровул қишлоғида туғилган экан. Суҳбатдошлардан бири бизга ҳамсуҳбат бўлиб, Қаҳрамон ака ўзлари туғилиб ўсган Сайинқоровул қишлоғидаги қишлоқ врачлик пунктини ҳам ҳомийликка олганликларини айтди.

Қалби эзгуликка чоғланган инсон иқтисод бу давлатнинг қонтомири эканлигини ва ҳар қандай даромадни ўз ўрнида ишла-тиб, жамият равнақи ҳамда халқнинг саломатлиги йўлида хизмат қилиш савобли ишлардан бири эканлигини ўз сўзларида ифода этди.

Мурувват асли не – мурувват бир йўл,  
Бир йўлки манзили юрак бўлади.

Хаста бир кўнгилни шод этгани он,  
Мурувват энг олий неъмат бўлади.

Сафар хизмати давомида Бухоро туманидаги Маданият ширкат хўжалигига қарашли «Деҳожи», «Подшоҳи» қишлоқ врачлик пунктларида бўлдик. Афсуски, вақт алламаҳал бўлиб қолган эди. Ҳар қалай кечкурун бўлса-да, қишлоқ врачлик пунктида тиббиёт ходимлари ва беморларни учратдик. Ўзига хос дид билан қад кўтарган бундай муассасалар ҳам ҳомийлар томонидан қилинганлигининг гувоҳи бўлдик. 2004 йилда «Деҳожи» ҚВПсига 100 миллион ва 2005 йилда «Подшоҳи» ҚВПсига эса 120 миллион ҳомийлик ёрдами ширкат хўжалиги раиси Мухаммад Аҳмедов томонидан кўрсатилганлигини муассаса ходимлари ифтихор билан тилга олишди. Айни шу чоғда Мухаммад ака билан учрашиш ёки телефон орқали боғланишнинг иложи бўлмади. Сабаби, раҳбар учун вақт энг олий даража-ли ва ҳар бир сонияда муҳим вазифаларни бажаришни тақозо этадиган интиҳодир.



**Хуллас, ҳар бир инсонда ҳомийликка хос фа-зилатлар мужассам бўлиб, хайрли ишининг эрта-кечи йўқ деганларидек, савобли иш ҳар би-римизга йўлдош бўлсин. Юқоридаги савобатпеша инсонларнинг олган дуолари ижобат бўлиб, иш-ларида файзу баракот нурлари ёғилаверишини тилаб қоламиз.**



**Халқимиз ўзининг са-ховатпешалиги, самимийли-ги, меҳмондўстлиги ва оли-ҳимматлиги билан азалдан хурматга сазовор бўлиб келган.**

Лутфулла Қувватов ҳам ана шундай олиҳиммат инсонлардан бири. У нафақага чиққунча ўрта мактабда ўқитувчилик қилди. Табиатан меҳрибон, хушчақчақ инсон фаолияти давомида кўплаб ўқувчиларга устозлик қилди. Устоздан таълим олган шогирдлар, бугунги кунда турли соҳаларда меҳнат қилишмоқда. Нафақага чиққан Лутфулла ака бе-кор ўтиришни ўзига эп кўрмади. Тадбиркорлиқни яна бир касб деб билган меҳнаткаш инсон уч нафар фарзанди ҳамда оиласи билан фаолият юрота бошлади. Бухоро вилояти, Жондор туманининг Ҳазорман қишлоғида таваллуд топган Лутфулла ака «Ҳазорман» қишлоқ врачлик пункти-ни таъмирга муҳтожлигини кўриб, шахсий маблағидан 21 миллион сўмлик ҳомийлик ҳиммати кўрсатди. Яхшилик ва савобат учун қилинган бундай ишдан бутун қишлоқ аҳли миннатдор бўлишиб, Лутфулла ака ва унинг оила аъзолари-га ўз миннатдорчилиқлари-ни билдирдилар.

**«Саломатлик – 2»**  
**«Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш»**  
**ва «Унни бойитиш миллий дастури» пойиҳалари**

**«Health – 2»**  
**«Women and Child Health Development and National Flour fortification program. Projects»**

**Проекти «Дароҳе – 2»**  
**«Зарарлене здоровья женщин и детей»**  
**и «Национальная программа по фортификация муки»**

Замон талаблари даражасида қад кўтарган мазкур даргоҳда бўлар эканмиз, унда 32 та хона мавжудлигини кўриб, бу ерда ишлар кўлами нихоятда кенг бўлса керак дея ҳаёдан ўтказдик. Ҳатто дастурнинг 39-банди бўйича даволаш-профилактика муассасаларида тиббиёт ходимларининг ором олиш хоналарини ташкил этиш, яъни тиббиёт ходимларининг

кечирдик. Бир кунда 60-70 га яқин беморни қабул қилганликларини ҳамда лаборатория таҳлилидан ўтган натижа-хулосаларини кўрдик. Шу билан бирга патронаж ҳамширалари фаолияти билан яқиндан танишиб, суҳбатда бўлдик. Уларнинг кундалик ишларини кузатганимизда аҳоли орасида олиб бораётган ишлари, кўрсатаётган биринчи тиббий ёрдамлари аҳоли томонидан илиқлик би-

## «Геофизика» қишлоқ врачлик пунктининг бир кунни

**Биз ушбу масканга кириб борар эканмиз, унинг замон талаблари даражасида қурилганлиги ва ҳар бир хоналарининг мутахассис ва беморлар учун ўзига хос тарзда яратилганлиги фаолиятимизга боғлиқ бўлган илиқликни уйғотди. «Хомийлар ва шифокорлар йили» давлат дастурининг 55-бандида соғлиқни сақлашнинг бошланғич бўғинини ислоҳ қилиш кўзда тутилган. Ушбу банд бўйича Бухоро вилояти, Когон туманининг Геофизика КВПсида ижобий ишлар қандай амалга оширилаётганлиги билан яқиндан танишиб қайтдик.**

фаолиятга эга бўлган Хурсандой Сафарова чақирувдан қайтиб келди. Опанинг юзларидаги чарчок, ўйчанлик ниманидир англатиб турарди. Фидойи шифокор бир оз тин олгач, суҳбатга чорладик.

**– Хурсандой опа бугунги фаолиятингиз қандай ўтди?**


– Қабулимга келган беморларни кўриб турган бир пайтимда шошилиш чақирув бўлиб қолди. Тезда айтилган хонадонга етиб бордим. 65 ёшлардаги отахоннинг қон босимлари ошиб, юрак хуружи бошланган экан. Шунда қўлимдан келган тиббий ёрдамни кўрсатдим. Бир неча соғия ўтгач, отахоннинг аҳолидаги ўзгариш сезилди. Чехрасига қон югурди. Тиббий ёрдамга муҳтож бу отахонга керакли маслаҳатларни бериб, касалхонада етиб даволашни тавсия қилдим. Бир инсонни ўлим чангалидан олиб қолганимдан хурсанд бўлдим. Бу менинг касбим ва бурчимга бўлган меҳнатимнинг бир маҳсулидир.

Қаранг-а, суҳбатимиз тугартуғамас муассасага бемор олиб келишди. Хурсандой опа тезда беморни текширувдан

ланиш муҳимлигини айтди. Моҳир шифокордаги муомала-маданияти, аёлларга хос ибодат, ҳар қандай бемор руҳиятини кўтариши шубҳасизлигини кўрдик.

Муолажа хонасида бир-биридан қаққон ҳамшираларга кўзимиз тушди. Беморга муолажа ўтказаятган ҳамширанинг асептика-антисептика қонун-қоидаларига риоя қилаётганлиги, хушёрлик билан ишини давом эттираётганлиги унинг касбига бўлган иқтидорини

ичак касалликлари, гепатит, қон босимнинг ошиши каби хасталиқлар тўғрисида суҳбатларга ўтказиб, ушбу мавзуларга бағишланган буклетларни тарқатганликларининг ҳам шохиди бўлдик. Шунингдек, муассасада оналар бурчаги, касалликлар тўғрисидаги долзарб мавзулари доирасида тайёрланган стендлар, кўргазмалар, беморларни дам олишлари учун яратилган жойда турли касал-



меҳнат шариотларини яхшилаш масалалари бўйича қилинган ишлар ҳам бизни бефарқ қолдирмади. Демак, ушбу масканда дастур ижросини таъминлаш бўйича айтарли ишлар қилинганлигини кўрдик.

Биз қишлоқ врачлик пунктида фаолият юритаётган шифокор ва ҳамширалар билан умумий суҳбатда бўлдик.

Улар илк сўзларида қишлоқ врачлик пунктини Бухоро геофизика-экспедиция очик акциядорлик жамиятининг раиси Қахрамон Мирзаев ҳомийлигида барпо этилганлигини ва тез куларда «Саломатлик-2» лойиҳаси томонидан янги тиббий асбоб-ускуналар келиши ва хоналарни замонавий типда жиҳозлашнинг фахр билан тилга олишди. Фаолият юритаётган умумий амалиёт шифокорлари ҳамда ҳамширалари мавжуд тиббий асбоб-ускуналаридан баҳоли қудрат фойдаланиб, 6000 дан ортиқ аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келмоқдалар. Биз умумий амалиёт шифокори столи устида турган руйхат дафтарларига кўзимиз тушди. Уларни бир-бир кўздан

кўрдик. Бир кунда 60-70 га яқин беморни қабул қилганликларини ҳамда лаборатория таҳлилидан ўтган натижа-хулосаларини кўрдик. Шу билан бирга патронаж ҳамширалари фаолияти билан яқиндан танишиб, суҳбатда бўлдик. Уларнинг кундалик ишларини кузатганимизда аҳоли орасида олиб бораётган ишлари, кўрсатаётган биринчи тиббий ёрдамлари аҳоли томонидан илиқлик би-

## СЎРОВНОМА

**Исми-шарифингиз.** Шаропова Саодат  
**Тураржойингиз.** Геофизика кўрғони.

**КВП номи.** «Геофизика» қишлоқ врачлик пункти.

**КВПдаги тиббиёт ходимлари сизга қандай ёрдам кўрсатишяпти?**

Малакали ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишяпти.

**Бундан икки йил олдин тиббий хизмат қандай эди?**

Зарурий шарт-шароитлар талаб даражасида эмас эди, чунки, бир неча чақирим узоқликдаги туман марказий шифохонасига мурожаат қилишимизга тўғри келарди.

**Врач билан ҳамширанинг меҳнат фаолиятдаги фарқи қандай?**

Врачга нисбатан ҳамширалар хонадонларда кўп бўлишади. Улар анемия, саратон, юкумли ва мавсумий касалликлар тўғрисида керакли маълумотлар беришади. Кези келганда биринчи ёрдам кўрсатишади. Врачнинг ўрни ҳам ўзгача. Шошилиш чақирувларда шифокор ҳам тезда етиб келади. Керакли маслаҳат ва тавсияларини бериб туради.

**КВПга мурожаат қилганингизда тиббиёт ходимлари томонидан қандай ёрдам кўрсатилди ва уларнинг сизга муносабати.**

КВПга борганимда улардаги муомала-маданият, юриш-туриш, тартиб-интизом дардимни енгиллаштиргандек бўлади. Ундан ташқари, навбат

кутиш йўқ. Касаллик тўғрисидаги шикоятни диққат билан эшитишади. Ташҳис қўйишгач, керакли муолажалар олишга ёки етиб даволашни лозим бўлса, маскандаги кундузги стационарда бу имкониятлар мавжуд.

**КВПдаги асбоб-анжомлар тўғрисида нима дея оласиз?**

Эшитишимга қараганда, «Саломатлик-2» лойиҳасидан замонавий тиббий асбоб-ускуналар келиши кутилмоқда экан. Айни ҳозирги кунда ҳам керакли тиббий воситалар мавжуд бўлиб, тажрибали шифокорлар фаолият юриташяпти.

**КВП тўғрисида фикр ва мулоҳазаларингиз?**

Давр талаби даражасида қад кўтарган бундай КВПни кўриб, хурсанд бўлиб кетасан киши. Чунки, муассаса ичидagi хоналарнинг тартиби билан қурилганлиги, тоза ва озодлиги, етарли шарт-шароитларнинг мавжудлиги ҳеч биримизни бефарқ қолдирмайди. Аввало, ҳомий ташкилотларга раҳмат.

**КВП тўғрисидаги танқидий фикрларингиз?**

Бу тўғрида танқидий фикрим йўғу, лекин тез орада «Саломатлик-2» лойиҳаси томонидан керакли тиббий асбоб-анжомлар келтирилса, КВП фаолияти ҳамда аҳолининг эҳтиёжи учун мавжуд имкониятлар яратилган бўларди.

лан тилга олинди. Шу ўринда ишлар кўлами билан танишиб турган бир пайтимизда умумий амалиёт шифокори 37 йиллик

ўтказга бошлади ва ташҳисни қўйиб бўлгач, керакли муолажаларни вақтида олиш ва кундузги стационарда етиб даво-

ликларга бағишланган услубий қўлланмаларнинг ўрин олганлиги халқнинг тиббий саводхонлигига бўлган эътиборнинг бир намунаси деб билдик. Таъкидлаш жоизки, алоҳида ДОТС хоналарининг ташкил қилинганлиги ва керакли маслаҳатларнинг ўрин олганлигини кўриб сил касаллиги бўйича ҳам муайян тадбирлар ўтказилаётган экан. Бундан ташқари, ҳамширалар таълим муассасаларида бўлиб, ОИТС/ОИВ, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, кашандалик сингари жирканч иллатлар тўғрисидаги махсус давра суҳбатлари ва маърузаларни доимий равишда олиб борар эканлар. Биз муассасадан чиқар эканмиз, унинг ёнгинасида ишлаётган қурувчиларга кўзимиз тушди. Улар спорт мажмуаси устида ишлашаётган экан. Ушбу мажмуа ҳам Қахрамон Мирзаев ҳомийлигида барпо этилаётганлиги ва ўша ердаги аҳолининг соғлиги учун хизмат қилиши кўзда тутилганлигини айтишди.



**Ҳа, юртимизда ана шундай савоаттеша инсонлар борлиги келажакдаги ишлар ривожига янада мустаҳкам пойдевор яратилишига ишончимиз комил.**

### Новости

## На пути усовершенствования медицинских услуг

Улучшение качества медицинских услуг населению является приоритетной задачей министерства и всей системы здравоохранения Республики Узбекистан. Главенствующим фактором в продвижении современной методологии повышения качества (ПК) медицинского обслуживания стала разработка национальной стратегии ПК, в котором предусматривается аспект распространения пилотных проектов по ПК.

27 июня 2006 года в ТашИУВ (Ташкентский институт усовершенствования врачей) был проведен семинар, це-

лю которого стало определением этапов внедрения и распространения проектов повышения качества в регионах.

Организаторами данного мероприятия являются проекты «Здоровье-2» (МАР), «Укрепление здоровья женщин и детей» (АБР), проект «Здрав/Плюс» в сотрудничестве с Министерством здравоохранения Республики Узбекистан.

Участниками семинара стали тренеры центров ВОП, курсан-

ты ВОП, внедрившие проект ПК, представители совместного бюро реализации проектов МАР и АБР, а также представители международных организаций, Центры доказательной медицины, представители Министерства здравоохранения Республики Узбекистан.

На сегодня в Ферганской области в 9 районах осуществляются пилотные проекты по ПК с фокусом на анемию, гипертонию и интегрированное ведение

болезней детского возраста (ИВБДВ). В продвижении методологии повышения качества является тщательная разработка национальной стратегии ПК. Следует особо отметить о внедрении 4-дневных курсов по ПК на базе 10-месячного курса ВОП.


Участники конференции представили актуальные проекты по улучшению качества медицинских услуг.

**Фарход ФУЗАЙЛОВ.**

Кадрлар тайёрлаш

# МЕҲРУ САҲОВАТ БИЛАН

Дилбар МИРЗАЕВА,  
Бухоро вилояти, Ромитан тумани, «Тарнаут» қишлоқ  
врачлик пункти мудираси.



— Қишлоқ врачлик пунктимиз ҳудудда 2009 нафар аҳоли истиқомат қилади. 2005 йилда фаолият бошлаган муассасамиз шу кунга қадар кўплаб фуқароларга тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Икки нафар тажрибали шифокор ҳамда 8 нафар бир-биридан чақон ҳамшираларимиз аҳолининг соғлигини янада мустаҳкамлашда астойдил меҳнат қилмоқдалар. Кейинги пайтларда бирламчи бўлган бўлган эътибор қишлоқ врачлик пунктларида фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимларининг масъулият билан ишлашини талаб қилмоқда. Бундан бир неча йил олдин «Саломатлик-1» лойиҳасининг жорий қилиниши Навоий, Фарғона ва Сирдарё вилоятларидаги қишлоқ врачлик пунктларини замон талаблари даражасида қурилиши ҳамда таъмирланиши, шунингдек, янгича технологиялар билан жиҳозланиши ва малакали кадрлар билан таъминланиши ўзининг самарали натижасини кўрсатган эди. Амалий ишлар ижобий самара бергач, 2005 йилдан бошлаб, «Саломатлик-2» «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳаларини республиканинг қолган вилоятлари соғлиқни сақлаш тизимида татбиқ этиш ишлари бошлаб юборилди. Мана бир ярим йилдирки, юқоридаги лойиҳалар асосида фаолият юритиб келмоқдамиз. Албатта, ишни бошлашимиз осон кечмади. Чунки, биринчи навбатда шароит ва имконият мавжуд бўлсагина, фаолиятда туб ўзгаришлар бўлиши мумкин. Ана шундай қулайликларни аҳолининг эҳтиёжи учун хизмат қилишида туман ҳокимлиги, «Хумо» фирмаси ва унинг мутасадди раҳбари Ўқтам Нозимов, фермерлардан Шухрат Ражабов, Акмал Ҳасанов каби саховатпеша хомийларнинг ҳиссалари катта бўлди. Уларнинг кўрсатган бегараз

ёрдамлари туфайли мана бугун муассасамиз замон талабларига жавоб бера оладиган ажойиб бир масканга айналди. Айниқса, аҳолининг қишлоқ врачлик пункти ва унинг тиббиёт ходимларига бўлган ишонч ва меҳри янада ортди. Муассасамиз ўзининг юридик мақомига эга бўлиб, молиялаштириш, моддий-техник базасини бойитиш каби кўпгина фаолиятларда имконият даражасига эга. Аҳолини дори-дармон билан таъминлашда 6-дориҳонадан керакли дори-дармонларни сотиб оламиз ва имтиёзи бор фуқароларга уларни бепул тарзда тарқатамиз. Доимий назорат остига олинган ва ногиронлик гуруҳига эга бўлган беморларга шифокор ва ҳамшираларимиз ўз вақтида керакли муолажа ҳамда тавсияларини уйларига бориб берадилар. Айни кунларда мавсумий касалликларнинг бошланиши сабаб ҳамшираларимиз соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда керакли ташвиқот ишларини олиб боришмоқда. Бугунги кунда аҳоли орасида юрак-ишемик, камқонлик ва йод етишмовчилиги каби касалликларнинг мавжудлиги тиббиёт ходимларимизни кунт билан ишлашларини талаб этмоқда. Кадрлар масаласига келадиган бўлсам, айни пайтда педиатр шифокоримиз «Саломатлик-2» лойиҳаси дастури асосида ўқимокда. Ҳамшираларимиз эса вилоят ҳамда Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ўз малакаларини ошириб қайтмоқдалар. Давр талабидан келиб чиққан ҳолда бирламчи бўлганини ривожлантиришда ҳамда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда мақсадли ишларни амалга ошириш ниятидамиз.

## Дил изҳори

Гулшан САИДОВА,  
бемор,  
Тарнаут қишлоғи.

— Оилаликман. Икки нафар фарзандим бор. Оила юмушлари билан бўлиб, соғлигимга қарай олмадим. Кейинги пайтларда ҳолсизланиб, иш-таҳам бўлмади. «Ўтиб кетар», дея эътибор бермадим. Қиш

қилган эдим. Ниҳоят, ҳамшираларнинг маслаҳати билан қишлоқ врачлик пунктининг лабораториясига қон топширдим. Ҳақиқатда ҳам менда камқонлик касаллиги бор экан. Негадир кўнглим гаш бўлиб, туман марказий шифохонасида даволансам керак, деган хаёлга бордим. Лекин ҚВП мудираси Дилбар Мирзаева муассасада кундузги стационар борлиги, керакли дори-дармонлар мавжудлигини айтиб, шу ерда даволанишимни тавсия этди. Мана бир неча кундирки, ушбу даргоҳда даволаняпман. Кечқури эса оилам бағрига қайтаман. Биз ва фарзандларимиз учун яратилган бундай шароитларни кўриб жуда хурсанд бўлдим. Истардимки, халқимизнинг ана шундай қишлоқ врачлик пунктларида фаолият юритаётган тиббиёт ходимларига бўлган ишончлари ортиб, касал бўлмасдан туриб, ўз соғлиқларини назорат қилишни уларнинг маслаҳати билан олиб борсалар, яхши бўлар эди.



Дунёда онадек буюк зот борми?! У оилада она, жамиятда ва жамоада эса куюнчак ҳодимаю раҳбар. Бундай бебаҳо қудрат соҳибаси олдида жамики дунёдаги эзгу сўзларни битсақда, ба-райиб унинг поёнига ета олаймиз. Чунки, у дунёга келтираётган зурриёд келажаги буюк давлатнинг қудратли таянчи ва пойдеворидир. Шу боис, юртимиздаги оналар ва болалар соғлиғига бўлган

## Она ва бола

# ҚУДРАТЛИ ТАЯНЧ

эътиборни кучайтириш бу Ватан тинчлигию осойишталигини сақлашдек муҳим вазифаларни ташкил этувчи асосий омиллардан биридир. Ана шундай эзгу мақсадларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақ-

лаш вазирлиги, «Саломатлик-2», «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш», «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳаларининг ҳамкорлиқдаги бирлашувлари кўзланган мақсадларга имконият эшикларини очди...

Биз Бухоро туман марказий шифохонасининг турмуш бўлимида бўлар эканмиз, ақиндагина таъмирдан чиққан тоза ва озода мажмуа ўзининг файли таровати билан қалбларимизни ўзига ром этди. Иккинчи қаватга кўта-

рилар эканмиз, эндигина дунёга келган чақалоқчаларнинг жанрангдор овози бутун оламни тутгандек бўлди. Палаталарга кирганимизда эса, бағри меҳрга қўлиб ётган оналарни кўриб, оналик бахти нақадар улуг эканлигини дилдан ҳис этдик. Бир неча соатлар олдин туғилган чақалоқ ўз тушакчасида эркин ҳолда ўзига мос либосларда ётганлиги тезкор тиббиимиз-  
(Давоми 6-бетда).

Ўзбекистон Республикаси  
Халқаро Тарғибот Уюшмаси  
Олий тарғибот!  
Остимоним Назамани  
Табии Аллоҳи

2006 й  
№ 2

**«Саломатлик — 2»**  
**«Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш»**  
**ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари**

**«Health — 2»**  
**Women and Child Health Development**  
**and National Flour fortification program. Projects**

**Проекти «Здоровье — 2»**  
**«Здоровье здоровья женщин и детей»**  
**и «Национальная программа по фортификации муки»**

## БИЛИМЛАРНИ МУЖАССАМЛАШТИРСАК

Зайнаб АҲМЕДОВА,  
умумий амалиёт шифокори.


— 19 йилдан буюн болалар шифокори бўлиб ишлаб келадан Бухоро вилоят тиббиётлиш бўлишидан қатъи назар

яратиб берди. Шу сабабли, 2005 йилнинг сентябрь ойидан Бухоро вилоят тиббиётлиш институти қошида ташкил



аввало касбга нисбатан меҳр ва иштиёқ бўлиши керак. Авваллари умумий амалиёт шифокори фақат хоржий давлатларда фаолият юритишини эшитардик. Вақтни қарангки, тиббиёт тараққий этиши билан бу тушунчалар фаолиятда ўзининг амалий аҳамиятини топди. Тез фурсатда умумий амалиёт шифокорини тайёрлаш ишлари бошлаб юборилди. Бундан бир неча йил олдин «Саломатлик-1» лойиҳасида иштирок этган республикамиздаги ҳамкасбларимиз ушбу лавозим эгасига айланишди. 2005 йилда «Саломатлик-2» лойиҳасининг жорий этилиши ҳам ушбу жараёнларни янада кенг тус олишига имкониятлар

этилган «Умумий амалиёт врачларини тайёрлаш» марказида 10 ой давомида назарий ва амалий томондан билим кўникмаларимни ошириб кўляпман. Менга энг маъқули 2 ҳафта марказда назарий билимларни мужассамлаштирсам, амалиётни ўзимизнинг муассасада олиб бормоқдаман. Цикллар давомида тажрибали ўқитувчилар тиббиётнинг барча йўналишлари бўйича машғулотлар ўтар экан, нафақат боладаги ҳамкасбларимиз ушбу лавозим эгасига айланишди. 2005 йилда «Саломатлик-2» лойиҳасининг жорий этилиши ҳам ушбу жараёнларни янада кенг тус олишига имкониятлар



# МАҚСАДЛИ ВАЗИФАЛАР

**Равшан ШАРОПОВ,**  
Ромитан туман «Боғча»  
қишлоқ врачлик пункти  
мудир.

– Ҳомийлар ва шифокорлар йилининг тиббиёт ходимлари ҳаётида унутилмас йилга айланиб қолиши мени ниҳоятда хурсанд этди. Президентимизнинг кўрсатмадан гамхўрликлари боис, ўзимизнинг касбий байрам кунимизга эга бўлмоқдамиз. Нашрларда чоп этилган мақолаларда ҳамкасбларимиз ноябрнинг иккинчи яқинбаси тиббиёт ходимларининг касб байрами кунини деб эълон қилиш таклифини киритдилар. Бу таклиф Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қабул қилинганлигини эшитиб, азалий орзуларимиз рўёбга чиққанлигидан мамнун бўлдим. Ана шундай рағбатлар, меҳнатга бўлган эътибор инсон қалбини тўлқинлантириб, янада ишлашга ундар экан. Шунингдек, 2005 йилда вилоятимизга «Саломатлик-2», «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш», «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳаларининг кириб келиши ҳам тиббиётнинг турли жаҳаларида кенгроқ меҳнат қилиши тақозо этмоқда.

Қишлоқ врачлик пунктимиз 2004 йилда қайта таъмирланиб, замон талаблари даражасидаги муассасага айлантирилди. Унда Ромитан туман ҳокимлиги ҳамда 14 та фермер хўжалигининг хизматлари ниҳоятда катта бўлди,

улар ўз маблағларидан 80 миллион сўмлик мурувват ёрдамларини кўрсатдилар. Ҳозирги кунда ўзимизда бор тиббий асбоб-ускуналар билан 3000дан зиёд аҳолига шифокор ва ҳамшираларимиз тиббий ёрдам кўрсатиб келмоқдалар. Тез кунларда «Саломатлик-2» томонидан янги тиббий жиҳозлар келиши режалаштирилган. Худуд аҳолиси учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Кундузги стационар, физиотерапия, лаборатория, стоматология, гинекология, эмлаш, ДОТС, руйхатхона ҳамда муолажа хоналари фаолият юритиб, малакали кадрлар беморлар учун тинимсиз меҳнат қилиб келмоқдалар. Бир кунда 25-30 нафар беморни қабул қиламиз. Бундан ташқари, аёлларни алоҳида тиббий кўрикдан ўтказиш, болаларни эмлаш ишлари асосий режа бўйича олиб борилади. Айрим ташкилот, мактаб ва бошқа бир қанча муассасаларни ҳам соғлиқларини назорат қилиб тураемиз. Кейинги пайтларда сурункали анемия, бўқоқ ва юрак хасталикларини олиб бораётганлиги сабабли халқ орасида тушунтириш ишларини жадаллик билан йўлга қўйганмиз. Бунда ҳамшираларнинг ўрни ниҳоятда катта бўлмоқда. Айниқса, уларнинг халқ орасида юриб, керакли тушунтириш ва тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришлари халқимиз саводхонлигини маълум маънода оша-



ётганлигини кўрсатади. Чунки, ҳозирги шароитда ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқини билиши жуда муҳимдир. Ана шундай имконият ва қўлайликлар муассасасида мавжудлиги, ундан эса ўз вақтида унумли фойдаланиш лозимлигини бугун аҳолига кенг тушунтиряймиз. Демакки, ҚВПларга бўлган эҳтиёж ва талаб аввалгиларга қараганда анча юқори. Қувонган томоним, замонавий даволлаш усулларининг амалиётда кенг қўлланилиши бугунги кун тиббиётининг қанчалик тараққий этаётганлигидан нишондир. Уйлайманки, бошланган узлуксиз жараёнлар, лойиҳалар ва дастур ижроси ходимларнинг малакаси ҳамда тажрибасини оширишда бир қадар кенг қўлайликларни яратди ва мақсадли вазифалар амалга оширилишида туртки бўлади, деб уйлайман.

2006 йил № 2

«Саломатлик – 2»  
«Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш»  
ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари

«Health – 2»  
Women and Child Health Development,  
and National Flour fortification program. Projects

Проект «Здоровье – 2»  
«Здоровье женщин и детей»  
и «Национальная программа по fortification муки»

## ҚУДРАТЛИ ТАЯНЧ

(Давоми. Боши 5-бетда).

нинг замон талаблари даражасида эканлигидан далolat бериб турганлигига амин бўлдим.

Тугруқ бўлими бошлиғи Нормурод Боймуродов билан палаталар, муолажа, туғруқ ва операцион блокларни кўздан кечириб эканмиз, тумандаги ҳомиладор аёллар учун керакли имкониятлар мавжудлигини кўрдик. Лекин Нормурод Боймуродовнинг фикрларига қараганда ҳали қилинадиган ишлар кўлами жуда кенг, шунингдек, туғруқхона мажмуасини Осиё

мизни яратувчи келажақ ворисларимиздир. Айни кунларда туғилаётган чақалоқларнинг соғлигини бир хилда соғлом деб айта олмаймиз. Сабаби, оналаримиз ҳомиладорлик даврида ўз соғлиқларига эътиборсиз бўладилар. Натижада ҳомиланинг тулик ривожланмай қолиши, унинг таъсирида эса бола тушиш ҳолатлари юзага келади. Шунингдек, она қорнидаги ҳомила онадаги экстрагенитал касалликларнинг мавжудлиги сабаб, ҳар қандай касаллик ва нуқсонлар билан туғилиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Айрим ҳолларда аёллардаги




тараққиёт банки томонидан жиҳозлаш ишлари режалаштирилганлиги ҳам шароитларни янада яхшилашига олиб келишини айтди.

Шу ўринда болалар соғлигини назорат қилаётган неонатолог шифокор Зулайхо Шеровани иш устида учратдик. Тажрибали шифокор 30 йилдирки, ушбу мажмуада фаолият юритаётган экан. Қалби болаларнинг бегубор ҳисси билан йўғрилган Зулайхо опа ўз тушакчасида ётган чақалоқни кўлига олар экан:

— Мен дунёдаги жамки болаларни соғлом туғилишини хоҳлайман. Чунки, улар эрта-

камқонлик туғиш пайтида турли асоратларни келтириб чиқаради. Чақалоқ эса турли тан жароҳатлари олиши мумкин. Бундай вазиятларда акушер-гинекологларимиз она ва бола ҳаётини сақлаб қолиш учун бор билимларини ишга солишади. Ўз соғлиги ва бўлажақ фарзандининг соғлом туғилишини юракдан истаган ҳар бир ота ва онага маслаҳатим: доимий соғлигинизга эътибор бериб, шифокорлар тиббий кўригидан ўтиб туриш. Аёллар ҳомиладор вақтингизда тиббиёт ходимлари назоратида бўлинг. Ана шундагина сиз соғлом фарзандларни дунёга келтириш билан оилангиз ва жамият учун бебаҳо бойлик яратган бўласиз.

## ИМКОНИАТ ДАРАЖАСИДА



Шундан сўнг биз марказий шифохонанинг лаборатория бўлимига ташриф буюрдик. Бўлимга киришимиз биланоқ, иштиёқи меҳнатга баланд бўлган врач-лаборант Дилноза Турдиева бизни лаборатория-текширув хоналарига таклиф қилди. Замон андозаларига мос равишда таъмирланган ушбу муассаса ҳам Осиё тараққиёт банки томонидан тез кунларда жиҳозлар билан таъминланиши ва ишларнинг кўнгилдагидек йўлга қўйилишини айтишди. Демак, бундай қўлайликлар туман аҳолиси учун анча энгиллик туғдириши, яъни лаборатор текширувларнинг ҳаммаси бир жойда кўрилиб, тезда тахлилий натижаларни чиқариш имконияти ходимларни ўз билимлари устида ишлаш ва меҳнат қилиш ҳиссиётини бир қарра оширади.



**Бибижон РАҲМОНОВА,**  
«Боғча» қишлоқ врачлик  
пункти катта ҳамшираси.

– 25 йилдан бўён ҳамшира вазифасида фаолият юритиб, халқ билан ҳамнафас ишлаётганимдан фخرланаман. Аҳоли худудларида оилага илк бор ҳамшира кириб боради. Унинг меҳрибонлиги, чақонлиги, инсонларга бўлган ҳурмати ҳамшира деган номни оқлай олади, десам янглишмаган бўламан. Муассасамизда фаолият юритаётган 4 нафар ҳамшира ҳамда 2 нафар кичик тиббиёт ходимлари аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда ҚВПмизнинг тозаллиги ва озодалиги учун меҳнат қиладилар. Ҳамшираларимиз ҳафта мобайнида ўз билимлари устида ишлаб,

давра суҳбатлари уюштириб, шунингдек, ўз ишлари бўйича доимий ҳисобот бериб борадилар. Аҳоли ўртасида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, юқумли касалликларнинг олдини олиш, халқнинг тиббий саводхонлигини ошириш, оила ва жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ҳар бир ҳамшира ўз режаси асосида ишлайди. Кези келганда шошилинч чақирувлар бўлиб қолади, ана шу пайтда ҳамширалар ўз ишлари билан банд бўлишса, тезда ўзим бориб, беморга керакли тиббий ёрдамни кўрсатаман. Барча ҳамшираларнинг нияти битта. У ҳам бўлса, халқнинг соғлигини мустаҳкамлаш, фаолиятни ҳамжихатликда олиб бориш.



Марказ фаолияти

# УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ

Нодира ШАРИПОВА,

«Умумий амалиёт врачлари тайёрлаш» маркази директори.

— Мана бир неча йилдирки, марказимизда умумий амалиёт шифокорлари тайёрлаб келинмоқда. Хабарингиз бор, бугунги кунда кадрлар масаласи долзарб мавзу даражасига кўтарилган экан, биргина тиббиёт соҳасида умумий амалиёт шифокорларини малакали тайёрлаш ишлари ўта муҳим вазифалар қаторидан ўрин олган.



Сабаби, хорижий давлатларда бу жараён бир мунча олдин эса узлуксиз таълим қатори мазкур марказ талаб ва эҳтиёжларга бошланган бўлса, диёримизда тўлақонли хизмат қила олиши

назарда тутилиб, яхшигина таълим тизими сифатида мутахассислар ўқитиб, тайёрланмоқда. Шу ўринда бизда қисқа вақт ичида олинган натижалар қай аҳволда, деган ҳақли савол туғилиши табиий. «Саломатлик-1» лойиҳаси дастури асосида тахсил олган тингловчилар бугунги кунда Бухоро, Навоий, Сурхондарё вилоятларининг қишлоқ врачлик пунктларида фаолиятларини давом эттириб келмоқдалар. Қилинган ишларнинг махсули натижасида 2005 йилдан бошлаб, «Саломатлик-2» лойиҳаси ҳам иш бошлади. Мазкур йилдан бошлаб, марказимизда Бухоро, Навоий, Сурхондарё вилоятларининг қишлоқ ва шаҳар врачлик пунктларида фаолият юритиб келаятган шифокорлар «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида 10 ойлик ўқув курсида тахсил олмоқдалар. Тингловчилар айнан марказда эмас, балки Бухоро вилоят туманларида ташкил этилган марказларимизда (5 та) сайёр циклар

Ўзбекистон Республикаси, Халқаро тиббиёт уюшмаси, Осиё ҳаракат банки, 2006 йил № 2

**«Саломатлик – 2»**  
**«Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш»**  
**ва «Унни бойитиш миллий дастури» пойиҳалари**

«Health – 2»  
«Women and Child Health Development, and National Flour fortification Program, Projects»  
Проекты «Здоровье – 2»  
«Укрепление здоровья женщин и детей»  
и «Национальная программа по фортификации муки»

асосида ўқимокдалар. Шунингдек, Бухоро давлат тиббиёт институтининг талабалари ҳам ўқув йилнинг охириги 4 ойида марказда назарий ва амалий билимларни оладилар ва олган билимлари бўйича институтнинг давлат имтиҳонларини топирадилар. «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида ўқув цикллари олдинги жараёнларга қараганда тубдан фарқ қилади. Чунки, дастурга янгича мавзулар қўшилган бўлиб, унда аётибор тиббиёт, тиббий хизмат сифатини ошириш, оилада зўравонлик каби дарс машғулоти тингловчиларимизни билим олишлари ва амалиётда қўлланларида муҳим аҳамият касб этмоқда. Таъкидлаш жоизки, ўқитган тингловчиларимиз 2 ҳафта мобайнида назарий билим-

ларини бойитиб, икки ҳафта ўзлари фаолият юритаётган қишлоқ врачлик пунктларидан амалиётда бўладилар. Бу албатта, назарий ва амалиётнинг бир-бирига узвийлиги ҳамда уларнинг иш фаолиятларини янада мустаҳкамлашига катта ёрдам беради. Яқин кўнларда тингловчиларимиз ўқув курсларини тугатиш арафасида турибдилар. Улар назарий ва амалий кўникмалари, олган лойиҳалари бўйича имтиҳон топирадилар.

Уйлайманки, биз бераётган тиббий билимлар умумий амалиёт шифокорларини янада масъулият билан ишлашлари бирламчи тиббий бугунги ривожлантиришга бўлган иштиёқини оширади.

## ЧУҚУР ИЗЛАНИШЛАР САРИ

**Жуманазар ШАРИПОВ,**  
Сурхондарё вилоят,  
Сарийосиё тумани «Дўстлик»  
қишлоқ врачлик  
пункти мудири.

— Аслида терапевтман. Иш фаолиятим мобайнида туман аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиб келдим. «Саломатлик-2» лойиҳаси дастури асосида ўқиганим тажрибамни янада бойитиб, тиббиётнинг очилмаган айрим қирраларини очишга ундади, десам янгилимаган бўлман. Келинг, қисқаси марказдан олинган билимларим асосида олган лойиҳам зўравонликнинг бола тарбиясига нисбатан салбий таъсирини изоҳлаш мақсадида мактаб ўқувчилари орасида амалий машғулотлар олиб бордим. Тумандаги мактабларнинг бирида 5-, 6-, 7-, 8-синф ўқувчилари орасида «зўравонлик» жабрланувчилари бор-йўқлиги бошқа ўқувчиларга нисбатан билим даражасини аниқлаш мақсадида сўровнома ўтказганимизда 40 % синф ўқувчилари зўравонликдан жабрланганликларини ва жабрланган ўқувчилар билими бошқа ўқувчиларга нисбатан паст эканлигини аниқладик. Бундан шундай хулосага келдикки, фарзандларимизнинг билими пасайишига фақат ўқитувчилар эмас, биз ота-оналар сабабчи эканмиз.

**Сабаби, болаларнинг асосий эҳтиёжларига эътиборсизлик, яъни:**

— овқатланиши, мавсумий кийиниши, тиббий хизматга муҳтож бўлганда ўқув-қуроллари билан таъминланиши, мактабга қатнаши ва ўқув жараёнига, уйдаги озодаликага эътиборсизлик.

**Болаларга нисбатан ёмон муносабатда бўлиш, яъни:**

— болани доимий айблаш, ютуқларига эътиборсизлик, кадр-қимматини камситиш, турли лақаб қўйиш, ҳар-хил усул билан кўрkitиш, бола кўз олдида эрхотиннинг жанжаллашиши ва узоқ муддатга меҳр-муҳаббатдан, гамхўрликдан маҳрум қилиш.

**Иқтисодий зўравонлик, яъни:**

— керакли ўқув-қуроллари ва мавсумий кийим-кечакларини олиб бермаслик, зарурат бўлганда пул бермаслик.

Юқориди кўрсатилган «зўравонлик» натижасида куйидаги салбий ҳолатлар юзга келиши мумкин.

Бола жисмоний ва ақлий ривожланишдан орқада қолиши, зарарли одатларга одатланиши, сержахл, ёмон тушлар кўриб, кўрқок бўлиши, гамгинлик, ўзига ишончсизлик, мустақил фикр юритишга ожизлик, умидсизлик, ўз жонига қасд қилишга уриниши, ҳаётдаги мақсад ва маънони

**Насима РАҲИМОВА,**  
Навоий вилояти, Қизилтепа  
тумани «Таловис» қишлоқ  
врачлик пунктнинг умумий  
амалиёт шифокори.

— 13 йил мобайнида болалар шифокори бўлиб ишлаб келдим. Шу давр мобайнида ўз йўналишим бўйича анча маълумотларга эга бўлдим. «Саломатлик-1» лойиҳаси фаолият бошлаганда бизни ви-



йўқолиши, тунги энурез, билим даражасининг пасайиши, касалманд бўлиб қолиши ва ҳоказолар. Бу ҳолатлар болалар келахагага, бизнинг орзу-истакларимизга қанчалар салбий таъсир этишини ҳам билиб олдик. Бу машғулотнинг профессор Нодира Шарипова томонидан тўлақонли тарзда ўтказилганлиги ҳар бир умумий амалиёт шифокори учун касалликнинг ташҳисини аниқлашда муҳим босқич ҳисобланади.

Мен аввало, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Саломатлик-2» лойиҳасининг мутасадди раҳбарлари ҳамда марказдаги тажрибали ўқитувчиларга ўз миннатдорчилигини билдираман.

лоятимиз ҳам тажриба асосида танлаб олинган эди. Ушанда бу жараённинг кириб келиши қишлоқ врачлик пунктимизда иш юритаётган тиббиёт ходимларининг тезкорлик билан ишлашлари ва аҳолига бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш даражасини яхшилаш ҳамда аҳолининг тиббиётга бўлган ишончини ошириш вазифаларини талаб этди. Айниқса, кадрлар тайёрлаш масаласига бўлган эътибор ҳам бундан мустасно бўлмади. Шифокорларимиз ушбу лойиҳа асосида умумий амалиёт шифокори лавозимига эга бўлишди. Мен мана шу лойиҳа дастури асосида ўқишни ният қилар эдим. «Саломатлик-2» лойи-

ҳаси доирасида ўқиш бахти насиб этди. Мана 10 ойдики, Бухоро давлат тиббиёт институти қошидаги «Умумий амалиёт шифокорлари тайёрлаш» марказида ўқимокдаман. Тиббиёт фани узлуксиз билим олиши, тажриба орттириши, изланган сари изланиши талаб этарверар экан. Ўқиш давомида шу нарсага амин бўлдимки, бу марказни тугатган, умумий амалиёт шифокори вазифасида кенгроқ фаолият юритиш имкониятини берди. Чунки, амалиёт давомида бизни фаолиятдан ажралмаганимиз ниҳоятда қўл келди. Сабаби, ўтиб келинган дарс машғулотларини, яъни янгиликларни иш жараёнида бевосита татиқ этдик ва янгича мавзуга дуч келдик. Бу оилада зўравонлик деб аталади. Ким учундир бу атама бошқа маъно англатиши мумкин. Лекин бу атамани шундай тушунишимиз керак. Оиладаги иқтисодий, руҳий қийналишлар сабаб зўравонлик натижасида турли кўнгилсизликлар келиб чиқади. Биз олдинлари ҳузуримизга келган беморни юрагим орияпти деса кардиологга ёки буйрагим деса урологга жўнатганмиз. Афсуски, бизнинг бу шоша-шошарлигимиз беморнинг бошидан ўтган воқеаларни инобатга олмаганлигимиз сабабидир. Шу боис, ушбу мавзуда турли касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари кўрсатилган. Мен шунга асосланиб, «Оиладаги зўравонликни аниқлашда бирламчи тиббий хизматнинг ўрни» мавзуси лойиҳасини олдим. 10 ой давомида мазкур лойиҳа устида иш олиб бордим. Амалий натижалар шунки кўрсатдики, ҳақиқатда ҳам оиладаги айрим келишмовчилик, муносабат ва ҳурматсизликлар оқибатда тиббиётдан янгича ном олган «зўравонлик» деган атаманинг келиб чиқишига сабаб бўлар экан. Ўқишни муваффақиятли тугатган, қишлоқ врачлик пунктимиз худудидида истикомат қилаётган 5400 та аҳолига хизмат қилиш билан бир қаторда тиббий билимларини янада мустаҳкамлаб, бирламчи тиббий хизмат бугунини шакллантиришга ўз ҳиссамни қўшаман.

**Совместное бюро реализации проектов «Здоровье-2», «Укрепления здоровья женщин и детей».**

Директор - Расулов Нугмон Нигматуллаевич.  
700007  
г. Ташкент, ул. Паркентская, 51,  
ТашИУВ, Административный корпус, 3-й этаж.  
Контактные телефоны: 68-08-19, 67-73-47. Факс: 68-25-39,  
E-mail: office @ jrib.uz.com.uz.

Над спецвыпуском работали Ибодат СОАТОВА.  
Фото: Асен НУРАТДИНОВ.

**Биз сафаримиз давомида «Саломатлик-2» ва «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳалари Бухоро вилояти бюросининг директори Махмуд Обидов билан биргаликда лойиҳалар асосида амалга оширилаётган ишлар билан танишиб чиқар эканмиз. Вилоят туманларининг тиббиёт муассасаларида амалга оширилган ижобий ишларнинг гувоҳи бўлдик. Лекин Бухоро вилояти қон қуйиш станциясида бўлганимизда таъмирлаш ишлари маромига етмаганлигини кўрдик. Унид қиламизки, вилоят ҳокимлиги, Соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда ҳомий ташкилотлари вилоят қон қуйиш станциясидаги камчиликларни бартараф этишда ҳам ўзларининг ҳолисона меҳнатларини аямаядилар.**

## СЕГОДНЯ - ДЕНЬ РАБОТНИКОВ ПЕЧАТИ И СРЕДСТВ МАССОВОЙ ИНФОРМАЦИИ

**Накануне Дня печати и средств массовой информации наш корреспондент взяла несколько интервью у читателей, медицинских работников. Каково их мнение о газете «Узбекистонда соғлиқни сақлаш - Здравоохранение Узбекистана», что они думают по поводу того, чтобы чтобы газета стала более содержательной и полезной?**

**Мехмон Ахмедов, главный врач поликлиники № 1 города Карши:**

- Более 10 лет являюсь читателем газеты «Узбекистонда соғлиқни сақлаш - Здравоохранение Узбекистана». Считаю, что роль газеты как помощника медицинских работников огромна. Благодаря газете, многие нормативные документы Министерства здравоохранения и других вышестоящих организаций оперативно доводятся до сведения каждого медицинского работника. При передаче этих важных и нужных материалов через областные управления и отделы здравоохранения потребовалось бы гораздо больше времени.

Из газеты мы узнаём о том, какие новейшие препараты используются в практической деятельности врачей, специалистов различного профиля. Нередко публикуются материалы о народных средствах, используемых в наши дни. Газета «Узбекистонда соғлиқни сақлаш - Здравоохранение Узбекистана» ведёт пропаганду здорового образа жизни населения, играет определенную роль в повышении уровня знаний о санитарии и гигиене, медицинской культуре.

**Высоко оценил значение газеты врач-терапевт поликлиники №1 Кудрат Туйчиев:**

- Самое драгоценное у человека - его здоровье. От здо-

ровья зависит работоспособность, долголетие, счастье. Ежегодно увеличиваются государственные ассигнования на нужды здравоохранения.

## НАШ ПОМОЩНИК - ГАЗЕТА

Из газеты хотелось бы также узнавать о различных неординарных, нетипичных случаях в практической деятельности врачей, об опыте работы врачей и медсестёр. Интересны и содержательны статьи Ибодат Соатовой, Намаза Талипова, Холмурода Раббанаева и другие. А фотоснимки Асена Нуратдинова украшают газету.

Много интересной информации можно почерпнуть из публикаций академика, директора Республиканского научно-исследовательского института физиологии и пульмонологии Абдуллы Абдуллаева.

Хотелось пожелать газете побольше критических материалов. Не зря китайская поговорка гласит: «Не бойся правдивой критики, бойся незаслуженных похвал». На самом деле, чтобы

избавиться от различных недостатков, нельзя их не замечать, необходимо во всеулышание говорить о них, бороться с ними. Лишь тогда можно избавиться от изъянов, пробелов и недочётов, лишь тогда наступит прогресс.

**Главный врач поликлиники № 2 города Карши Фарход Омонов:**

- Из газеты «Узбекистонда со-

музея здравоохранения Узбекистана имени К. Заирова. Запомнилась также совместная статья этих авторов под названием «Пусть улыбка малыша озаряет мир».

В статьях специалистов нередко даются рекомендации по лечению того или иного заболевания, объясняются причины его возникновения и характер различных нарушений в организме, вызываемых этим заболеванием, даются рекомендации, как уберечься от болезней. Так газета помогает нам в работе.

Заместитель главного врача поликлиники № 2, врач-инфекционист Чори Ризаев подписывается на газету «Узбекистонда соғлиқни сақлаш - Здравоохранение Узбекистана» ежегодно. Её подшивки хранятся долгие годы и используются медицинскими работниками в их практической деятельности.

К сожалению, не все медицинские работники могут использовать в своей работе материалы газеты, читать их. В Каршинской городской центральной больнице газету «Узбекистонда соғлиқни сақлаш - Здравоохранение Узбекистана» не выписывают. И хотя молодые врачи не раз говорили о том, что они с интересом читали бы эту газету, руководители больницы игнорируют их предложения о подписке.

глицки сақлаш - Здравоохранение Узбекистана» мы узнаём о новинках в медицине, на страницах газеты идет обсуждение важнейших проблем медицины.

Репортажи Ироды Ильхамовой, к примеру, донесли до нас многие актуальные вопросы и задачи, звучавшие с трибуны конгресса Ассоциации кардиологов стран СНГ, проходившего в конце прошлого года в столице.

Интересны были заметки журналист Ибодат Соатовой и Ироды Ильхамовой о деятельности Республиканского

**Работники областного управления здравоохранения и лечебных учреждений искренне поздравили журналистов с Днём работников печати и средств массовой информации, пожелали им здоровья и творческих успехов.**

**Лариса БОРТКОВСКАЯ, Кашкадарьинская область.**

## АЁЛГА МЕХР

**Жорий йилнинг 22 июни кuni Тошкент Фармацевтика институтининг мажлислар залида «Жамият ривожланишида аёлларнинг ўрни ва роли» мавзусига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Узбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Узбекистон Республикаси «Олимпиада» уюшмаси, Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, Тошкент иқтисодий, молия ва фармацевтика институтлари ҳамкорлигида ташкил этилди.**



Тадбирни Тошкент Фармацевтика институти ректори, профессор А. Юнусхўжаев кириш сўзи билан очиб, жамиятда ва оилада аёлларнинг ўрни ноҳоятда бекиёслигини ва уларнинг ҳар бир соҳадаги мавқеи ўзгача эканлигини ўз сўзларида ифода этди.

Шунингдек, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Н. Туреева, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан М. Қуронова, Тошкент шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси раиси, сенатор Ф. Абдураҳимо-

ва ва бир қанча мутахассислар бугунги кунда ёшлар билан ишлашнинг баъзи бир муаммолари, аёлларнинг иш билан бандлиқ масалалари, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, миллий урф-одатларимиз ва ундаги хотин-қизларнинг кийиний маданияти тўғрисида маърузалар қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар. Бундай тадбирнинг ўтказилишидан асосий мақсад, жамият ривожланишида аёлларнинг ўрни ва ролини янада юксалтиришдан иборатдир.

**Ирода ИЛҲОМОВА.**




## АССАЛОМ ЁЗ

**Жорий йилнинг 23 июни кuni Узбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли У. К. Курбонов номидаги Республика болалар руҳий-асаб касалликлари шифохонасида Хомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан «Ассалом ёз» номли болалар байрами бўлиб ўтди.**

Тадбирни Узбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Феруз Назиров кириш сўзи билан очиб, мазкур муассасада даволанаётган болажонлар ва фаолият юритаётган барча ходимларни ушбу айём билан самимий муборакбод этиб, байрамнинг мақсади, яъни Германия Федератив Республикасининг Узбекистондаги элчихонаси томонидан амалга оширилган ишлар хусусида тўхталиб, ана шу шифо масканида соғлигини тиклаётган болалар учун сув ҳавзаси қуриб битказилиб, фойдаланиш учун топширилаётганлиги билан Германия Федератив Республикасининг Узбекистондаги мухтор элчиси жаноб Ханс Йоахим Кидерленга самимий миннатдорчилик изҳор этди ва келажда бундай ҳамкорлик ишларини яна давом эттиришини ташкилади.

Сўнгра, элчи жаноблари Ханс Йоахим Кидерлен сўзга чиқиб, барча иштирокчиларни байрам билан қутлади. У Германия Федератив Республикаси томонидан нафақат мазкур шифо масканига, балки Узбекистон давлатининг бошқа тиббий муассасаларига ҳам имконият даражасида ёрдам кўрсатиши ва ҳамкорлик ришталарини узвий давом эттиришини айтди. Шундан сўнг, Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли У. К. Курбонов номидаги Республика болалар руҳий-асаб касалликлари шифохонаси бош врач Ирина Савельева, Соғлиқни сақлаш вазирлигига, шахсан жаноб элчи Ханс Йоахим Кидерлен ва бошқа хомий ташкилотларга ўзининг дил изҳорини баён этиб, кўрсатган амалий ёрдамлари учун миннатдорчилик билдирди.

**Холмурод РАББАНАЕВ. Асен НУРАТДИНОВ олган сурат.**



**Gazeta muassisi:**  
**O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi**

**Bosh muharrir:**  
**Nodir SHARAPOV,**  
**tibbiyot fanlari doktori.**  
**Ijrochi muharrir:**  
**Ibodot SOATOVA.**

**Tahrir hay'ati raisi:**  
**Feruz Nazirov**

**Tahrir hay'ati a'zolari:**  
**Bobur Alimov**  
**Gavhar Islomova**  
**Omonturdi Mirtayazev**  
**Ozoda Muhitdinova**  
**Mirjalol Miraliyev**  
**(Bosh muharrir o'rinbosari),**  
**Baxtiyor Niyazmatov**  
**Abdurahmon Nosirov**  
**Nurmat Otabekov**  
**Xolmurod Rabbanayev**  
**Rixsi Solixova**  
**Namoz Tolipov**  
**Maryash Turumbetova**  
**Abdulla Ubaydullayev**  
**Farhod Fuzaylov**

**Manzimiz:**  
**700060, Toshkent,**  
**Oxunboboev ko'chasi,**  
**30-uy, 2-qavat.**  
**Tel/faks: 133-57-73; tel.**  
**133-13-22.**  
**Gazeta O'zbekiston Respublikasi Matbuot va axborot agentligida 2003-yilning 17-noyabr kuni ro'yxatga olingan, guvohnoma raqami 211.**  
**Adadi 6850 nusxa.**  
**O'zbek va rus tillarida chop etiladi.**

**Maqolalar ko'chirib bosilganda «O'zbekistonda sog'liqni saqlash»dan olindi deb ko'rsatilishi shart.**  
**Buyurtma G-851.**

**Gazeta «SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etiladi. Korxonа manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41. Hajmi 2 bosma taboq. Formati A3. Ofset usulida bosilgan. Gazeta IBM kompyuterida terildi va sahifalandi. E'lon va bildiruvlardagi fakt hamda dalillarning to'g'ri rili ushuncha reklama va e'lon beruvchilar mas'uldur.**

**Sahifalovchi:**  
**Baxtiyor QO'SHOQOV.**

**Bosmaxonaga topshirilish vaqti 20.00.**  
**Topshirildi 21.00.**

1 2 3 4 5 6